

1654/4415 - عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرْسَلَنِي أَصْحَابِي إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْأَلُهُ الْحُمْلَانَ هُمْ، إِذْ هُمْ مَعَهُ فِي جَيْشِ الْعُسْرَةِ، وَهُنَّ غَرْوَةٌ تَبُوكُ، فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، إِنَّ أَصْحَابِي أَرْسَلُونِي إِلَيْكَ لِتَحْمِلَهُمْ، فَقَالَ: وَاللَّهِ لَا أَحْمِلُكُمْ عَلَى شَيْءٍ. وَوَاقْفُتُهُ وَهُوَ غَضِبَانٌ وَلَا أَشْعُرُ، وَرَجَعْتُ حَرِينًا مِنْ مَنْعِ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجَدَ فِي نَفْسِهِ عَلَيَّ، فَرَجَعْتُ إِلَى أَصْحَابِي، فَأَخْبَرْتُهُمُ الدَّيْرِي قَالَ النَّبِيُّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَمْ أَلْبُثْ إِلَّا سُوِيعَةً إِذْ سَعَغْتُ بِلَالًا يَنَادِي: أَيُّ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ قَيْسٍ، فَأَجْبَثُهُ، فَقَالَ: أَحِبْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدْعُوكَ، فَلَمَّا أَتَيْتُهُ قَالَ: خُذْ هَذَيْنِ الْقَرِينَيْنِ، وَهَذَيْنِ الْقَرِينَيْنِ لِسِيَّةَ أَبْعَرَةٍ ابْنَاءَهُنَّ حِينَئِذٍ مِنْ سَعْدٍ فَانْطَلَقْتُ إِلَيْهِنَّ إِلَى أَصْحَابِكَ، فَقُلْتُ: إِنَّ اللَّهَ - أَوْ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَحْمِلُكُمْ عَلَى هَؤُلَاءِ فَأَكَبُوهُنَّ. فَانْطَلَقْتُ إِلَيْهِمْ هِنَّ، فَقُلْتُ: إِنَّ النَّبِيِّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَحْمِلُكُمْ عَلَى هَؤُلَاءِ، وَلَكِنِي وَاللَّهِ لَا أَدْعُكُمْ حَتَّى يَنْطَلِقَ مَعِي بَعْضُكُمْ إِلَى مَنْ سَمِعَ مَقَالَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، لَا تَظْنُوا أَنِّي حَدَّثْتُكُمْ شَيْئًا لَمْ يُكْلِمْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالُوا لِي: وَاللَّهِ إِنَّكَ عِنْدَنَا لَمُصَدِّقٌ، وَلَنْفَعَنَّ مَا أَحْبَبْتَ، فَانْطَلَقَ أَبُو مُوسَى بِنَفْرٍ مِنْهُمْ، حَتَّى أَتَوْا الَّذِينَ سَعَوْا قَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْعَهُ إِيَاهُمْ، ثُمَّ إِعْطَاهُمْ بَعْدُ، فَحَدَّثُوهُمْ بِمِثْلِ مَا حَدَّثَهُمْ بِهِ أَبُو مُوسَى.

1188/45 -

1188.45-БОБ.

1654.4415. Абу Бурда Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Шерикларим мени уларга улов сўраш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборишиди. Ўшанда улар у зот билан бирга Жайшул-усрада эдилар. Бу Табук ғазотидир. Мен: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Шерикларим мени ҳузурингизга уларга улов беришингиз учун юбордилар», дедим. У зот: «Аллоҳга қасамки, сизларга бирор улов бермайман», дедилар. Билмай, у зот ғазабланганларида рўпара келиб қолдим деб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бермаганларидан ва у зот ичларида мендан аччиқландилармикин, деган хавфда маҳзун бўлиб шерикларимнинг ёнига қайтдим. Уларга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гапларни етказдим. Ҳеч қанча ўтмай, Билолнинг «Эй Абдуллоҳ ибн Қайс», деб чақираётганини эшитдим. Унга жавоб қилдим. Шунда у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёnlарига бор, у зот сени чақиряптилар», деди. У зотнинг ҳузурларига келганимда, «Бир-бирига боғланган манави жуфт туюни ва манави жуфт туюларни ол-да, - ўша пайтларда ўзлари Саъдан сотиб олган олтига туюни (кўрсатдилар) - уларни шерикларингга олиб бориб, «Аллоҳ [ёки «Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам»] - сизларга манавиларни минишга берди, уларни мининглар», деб айт», дедилар. (Туюларни) олдим-да, уларнинг ёнига бориб, «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сизларга манавиларни бердилар. Лекин Аллоҳга қасамки, бир нечангиз мен билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гапларини эшитган одамнинг олдига бормагунича сизларни тек қўймайман, яна мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаган гапни айтди, деб гумон қилиб юрманглар», дедим. Улар менга: «Сен орамизда ишончли кишисан. Сен хоҳлаган нарсани албатта қиласиз», дейишиди.

Абу Мусо улардан бир нечтасини олиб, йўлга тушди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларга аввалига (олов) бермай, кейин берганлари ҳақидаги сўзларини эшитганларнинг ёнига келгач, улар ҳам буларга айни Абу Мусо айтганини айтишиди».

Манба: hadis.islom.uz

